



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

9 ЖИЛД, 5 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 9, НОМЕР 5

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 9, ISSUE 5



ТОШКЕНТ-2024

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№5 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2024-5>

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Fayziev Shoxrud Farmonovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

Boboyev Halimboy Boboyevich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Sattorov Abdug'affor

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Artur Gambaryan

yuridik fanlar doktori, professor (Armaniston)

Yosuke Shamoto

yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННЫЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

Malikova Gulchexra

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Xusanov Ozod Tillabayevich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Selimanova Svetlana Mixaylovna

yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

Xvan Leonid Borisovich

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Peshkova Xristina Vyacheslovovna

yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)

Sung Un Lee

yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

Oqyulov Omonboy

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ruziyev Rustam Jabborovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Borotov Mirodiljon Xomudjonovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Toshev Boboqul Norqobilovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Shomuxamedova Zamira Shoislamovna

yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)

Ahmad Issa Altweissi

yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

Esanova Zamira Normurodovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jason A.

Kanton Federal sud markazi (AQSH)

12.00.05 - МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

Usmanova Muborak Akmalxanovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Gasanov Mixail Yuriyevich

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Sattorova Gulnoza Djurakulovna

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Murodova Gulnora

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Denisov Gleb

yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Fayziyev Shuxrat Xasanovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Usmonov Muhammadi Bahridinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xolmuminov Juma
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jo'rayev Yuldash Achilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Skripnikov Nikolay Kuzmich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Po'latov Baxtiyor Xalilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salomov Baxrom Salomovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salayev Nodirbek Saparbayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Osmonaliev Qayrat
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Aleksey Kibalnik
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Kudryavtsev Vladislav Leonidovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Sergey Shoshin
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
James B.
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

Rustambayev Mirzayusup Hakimovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Zufarov Rustam Axmedovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Kabulov Rustam
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Rajabova Mavjuda Abdullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Taxirov Farhod
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ismailov Isomiddin
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)
Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Djansarayeva Rima Ernatovna
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Yelena Antonyan Aleksandrovna
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Matthew Light
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)


Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Pulatov Yuriy Safiyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
To'laganova Gulchehra Zaxitovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirazov Davron Miragzamovich
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)
Rijakov Aleksandr Petrovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Stoyko Nikolay Genadyevich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Iskandarov Zayniddin
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Sergey Pen
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Aleksey Purs
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)
Jurgen Maurer
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)
Kevin Curtin
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

Ismoilov Bahodir Islamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Yuldasheva Govxerjan
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Alexander Trunk
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)

1. Алоев Улуғбек Махмудович ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТНИ ТУШУНИШГА ОИД НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР ТАҲЛИЛИ.....	5
2. Юсупов Сардорбек Баходирович МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИ ҚАРОРЛАРИНИ БЕКОР ҚИЛИШ ЁКИ ҲАҚИҚИЙ ЭМАС ДЕБ ТОПИШГА САБАБ БЎЛУВЧИ ОМИЛЛАР.....	14
3. Abdullayev Jamshid Djamilovich FUQAROLIK SHARTNOMALAR TIZIMIDA TIBBIY SHARTNOMALARNING TABIATI...22	
4. Ачилова Лилия Илхомовна ОБЯЗАТЕЛЬСТВА ТУРИСТИЧЕСКОЙ КОМПАНИИ ПО ОКАЗАНИЮ ТУРИСТСКИХ УСЛУГ ЗА ПОТЕРЮ ОТДЫХА: СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ.....	39
5. Тошбоева Робия Собировна BIG DATA ТЕХНОЛОГИИ В ПРИРОДНОРЕСУРСНОЙ КАДАСТРОВОЙ СФЕРЕ: ПРОБЛЕМЫ ПРАВОВОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ.....	47
6. Fazilov Farkhod Maratovich GIFT-BASED MONEY LAUNDERING.....	57
7. Ortiqov Abror Nemat o'g'li ODAM O'G'IRLASHNING JINOIY-HUQUQIY TAHLILI VA KVALIFIKATSIYASI.....	66
8. Салаев Нодирбек Сапарбаевич СОВРЕМЕННАЯ ПЕНИТЕНЦИАРНАЯ ПОЛИТИКА НОВОГО УЗБЕКИСТАНА – ПРОБЛЕМЫ ПРЕОДОЛЕНИЯ ПЕРЕЖИТКОВ КОЛОНИЙСКОЙ СИСТЕМЫ И ПСИХОЛОГИИ ГУЛАГА.....	74
9. Мўйдинов Бобир Ботиржонович ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ТАДБИРЛАРИНИ ЎТКАЗИШДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ.....	84
10. Бабаева Иродахон Эркинжон кизи ГЕНЕЗИС ПОНЯТИЯ ИЗМЕНЕНИЯ КЛИМАТА КАК ЭЛЕМЕНТА МЕЖДУНАРОДНОГО ПРАВА.....	92
11. Ибрагимова Сабина Эркиновна ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ РЕАЛИЗАЦИИ ПРАВ И СВОБОД ЧЕЛОВЕКА И ГРАЖДАНИНА В СФЕРЕ ОСУЩЕСТВЛЕНИЯ ДОСУДЕБНОГО ПРОИЗВОДСТВА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН.....	101
12. Хамдамова Фируза Уразалиевна МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА: ЭВОЛЮЦИЯ И ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ.....	109




12.00.02-КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО. АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО. ФИНАНСОВОЕ И ТАМОЖЕННОЕ ПРАВО

Юсупов Сардорбек Баходирович,
 Тошкент давлат юридик университети
 “Маъмурий ва молия ҳуқуқи” кафедраси
 мудири, юридик фанлар доктори., доцент
 ORCID 0000-0001-2345-6789
 E-mail: s.yusupov020@gmail.com

**МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИ ҚАРОРЛАРИНИ БЕКОР ҚИЛИШ
 ЁКИ ҲАҚИҚИЙ ЭМАС ДЕБ ТОПИШГА САБАБ БЎЛУВЧИ ОМИЛЛАР**

For citation: Yusupov Sardorbek Bakhodirovich. FACTORS CAUSING THE CANCELLATION OR INVALIDATION OF DECISIONS OF LOCAL EXECUTIVE AUTHORITIES. Journal of Law Research. 2024, 9 vol., issue 5, pp. 14-21

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.11419603>

АННОТАЦИЯ

Бугунги Ўзбекистон шароитида янги таҳрирдаги Конституциямизнинг энг муҳим жиҳатлари инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, кадр-қиммати, дахлсиз ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш, эркин ва адолатли фуқаролик жамиятини ривожлантириш ҳамда демократик ҳуқуқий давлат қуриш билан боғлиқ ўзгаришлар билан муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимизда сўнгги йилларда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган изчил ва тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда. Албатта, ҳар қандай ўзгариш, айниқса, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида бўлса, бирор-бир ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш йўли билан амалга оширилади. Зеро, давлат бошқаруви самарадорлиги, олиб борилаётган ислохотларнинг ҳаётга татбиқ этишда ва ҳар бир хонадонга кириб боришида маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари томонидан ҳуқуқни қўллаш салоҳиятига бевосита боғлиқдир. Барча давлат органлари, мансабдор шахслар, фуқароларнинг янги конституциявий норма ва принципларга оғишмай амал қилиши, Конституция тўғридан-тўғри амал қиладиган ҳужжат бўлиши шартлиги, давлат органлари, айниқса, судлар ўз фаолиятида Конституцияга тўғридан-тўғри мурожаат қилиши, унинг нормаларига асосланиб иш қўриши зарур.

Калит сўзлар: Конституция, қонун, фуқаро, инсон ҳуқуқлари, қонуний манфаат, суд ҳимояси, маъмурий суд, конвенция, устав, шартнома, ҳокимият органлари, ер майдони

Юсупов Сардорбек Баходирович,
 Заведующий кафедрой “Административное и
 финансовое право” Ташкентского государственного
 юридического университета, доктор юридических наук (DSc).
 E-mail: s.yusupov020@gmail.com

ФАКТОРЫ ПРИЧИН ОТМЕНЫ ИЛИ ПРИЗНАНИЯ НЕ ДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ РЕШЕНИЙ ОРГАНОВ ИСПОЛНИТЕЛЬНОЙ ВЛАСТИ НА МЕСТАХ

АННОТАЦИЯ

В условиях сегодняшнего Узбекистана важнейшими аспектами новой редакции Конституции являются изменения, связанные с обеспечением человека, его жизни, свободы, достоинства, неприкосновенных прав и интересов, развития свободного и справедливого гражданского общества, и создание демократического правового государства. В последние годы в нашей стране осуществляются последовательные и системные реформы, направленные на обеспечение прав и свобод человека. Разумеется, любые изменения, особенно в части обеспечения прав и свобод граждан, реализуются путем принятия правового документа. Ведь эффективность государственного управления напрямую зависит от способности местных исполнительных органов применять закон в реализации проводимых реформ и проникновения в каждое домохозяйство. Необходимо, чтобы все государственные органы, должностные лица и граждане следовали новым конституционным нормам и принципам, Конституция должна быть документом прямого действия, государственные органы, особенно суды, должны в своей деятельности ссылаться непосредственно на Конституцию и действовать на основе свои нормы.

Ключевые слова: Конституция, закон, гражданин, права человека, законный интерес, судебная защита, административный суд, конвенция, устав, договор, органы власти, земельный участок

Yusupov Sardorbek Bakhodirovich,

Head of “Administrative and Financial Law”

Department of Tashkent State University of Law, DSc in Law.

E-mail: s.yusupov020@gmail.com

FACTORS CAUSING THE CANCELLATION OR INVALIDATION OF DECISIONS OF LOCAL EXECUTIVE AUTHORITIES

ANNOTATION

In the conditions of today's Uzbekistan, the most important aspects of the newly revised Constitution are important with the changes related to the provision of a person, his life, freedom, dignity, inviolable rights and interests, development of a free and fair civil society, and the establishment of a democratic legal state. Consistent and systematic reforms aimed at ensuring human rights and freedoms have been implemented in our country in recent years. Of course, any change, especially in terms of ensuring the rights and freedoms of citizens, is implemented by adopting a legal document. After all, the effectiveness of the state administration directly depends on the capacity of the local executive authorities to apply the law in the implementation of the ongoing reforms and penetration into every household. It is necessary for all state bodies, officials, and citizens to follow the new constitutional norms and principles, the Constitution must be a directly applicable document, state bodies, especially the courts, should refer directly to the Constitution in their activities and act based on its norms.

Keywords: Constitution, law, citizen, human rights, legal interest, judicial protection, administrative court, convention, charter, contract, authorities, land area

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 99-моддасида вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари хисобланиши, улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этиши қайд этилган. Миллий қонунчиликда ҳудуд ҳокимларига бир қатор ваколатлар берилган. Айтиш керакки, ушбу ваколатлардан самарали ва мақсадли фойдаланиш ҳар бир раҳбар кадрдан зарур билим, малака ва кўникмани талаб

этади. Бироқ ўрганишлар ҳуқуқни қўллаш амалиётида ҳокимлар томонидан ваколат доирасида қарор қабул қилишда доим ҳам қонунчилик нормаларига қатъий амал қилавермаслигини кўрсатмоқда.[1] Қуйида мазкур масаланинг айрим жиҳатларини таҳлил қилиб чиқамиз.

Материаллар ва методлар

Маҳаллий давлат ҳокимият органлари қарорларини бекор қилиш ёки ҳақиқий эмас деб топишга сабаб бўлувчи омилларнинг асосий тамойиллари, миллий шарт-шароитларга мос бўлган кенг қўламли ва таркибий ислохотларни назарда тутувчи давлат бошқаруф органларининг узоқ истиқболли ривожлантириш стратегиясини кўзловчи қиёслаш ва таққослаш усулларида фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Тадқиқот натижалари

Биринчидан, ҳокимлар томонидан ўз ваколат доирасидан четга чиққан ҳолда ғайриқонуний қарорлар қабул қилиш ҳолатлари кузатилмоқда. Ҳокимнинг 2022 йил 4 февралдаги 365-сонли қарорига асосан Дўстлик маҳалласи ҳудудидан фуқаро И.А.га “Тикувчилик цехи” биносини қурилиши учун 150,0 кв.метр ер майдони ажратиб берилган. Кейинчалик, ҳокимнинг 18.02.2022 йилдаги 370-сонли қарори билан ҳокимнинг 2022 йил 4 февралдаги 365-сонли қароридаги “Дўстлик” деб ёзилган сўзлар “Гулбоғ” деб ўзгартирилиб, Гулбоғ маҳалласи ҳудудидан фуқаро И.А.га “Тикувчилик цехи” биносини қурилиши учун 150,0 кв.метр ер майдони ажратиб берилган.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.06.2021 йилдаги “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-гадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6243-сонли Фармонинг 4-бандига биноан: “маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ер муносабатларига оид хусусан, ер участкаларини тўғридан-тўғри ажратиш, фойдаланишга бериш, келгусида ажратиш учун захиралаш, бириктириш, ободонлаштириш учун бериш ёки ерларни бошқача йўл билан тасарруф қилиш” ваколати тугатилган.

Иккинчидан, манфаатдор шахсларнинг манфаатига зид равишда қарор қабул қилишда манфаатдор шахс ёки унинг вакили иштирокисиз кўриб чиқилган ҳолатлар ҳисобланади.

Тадқиқот натижалари ва унинг таҳлили

Мисол учун, манфаатдор шахс бўлган Ш.Н.га туман ҳокимининг 2020 йил 23 июль кунги 387-сонли қарорини прокурорнинг 16.02.2021 йилдаги пртести асосида бекор қилиниши юзасидан қабул қилинган ҳужжатлар билан танишиш имкони берилмагани, тегишли тартибда мажлис ўтказилмаганлиги, аризачи ишончини ҳимоя қилиниши принципига амал қилинмаганлиги ҳамда ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган барча ҳақиқий ҳолатлар ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона текширилмасдан, фақатгина протестда келтирилган ҳолатлар ҳокимият томонидан инобатга олиниб, шошма-шошарлик билан қарор қабул қилинганлиги кўрстайш мумкин. Юқоридагиларга асосан аризачи Ш.Н.нинг жавобгар туман ҳокимлигига нисбатан 387-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги ариза шикоятни қаноатлантирилган.

Маълумки, “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонуннинг 9-моддасига кўра, маъмурий орган манфаатдор шахсга маъмурий ҳужжатни қабул қилиш учун аҳамиятга эга бўлган барча ҳолатлар юзасидан ўз фикрини билдириш имкониятини бериши; 10-моддасига мувофиқ, маъмурий тартиб-таомиллар очик, шаффоф ва манфаатдор шахслар учун тушунарли бўлиши; 60-моддаси билан эса маъмурий ҳужжатни манфаатдор шахс манфаатларига зид равишда бекор қилиш, агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, уни мажлисда қайта кўриб чиқиш орқали амалга оширилиши белгилаб ўтилган.[2]

Агарда маъмурий ҳужжатни манфаатдор шахс фойдасига бекор қилинадиган бўлса, мажлис ўтказмасдан амалга оширилиши мумкин. Маъмурий орган мазкур нормага қатъий амал қиладиган бўлса, манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқларини бузилишини олдини олишга эришилади.

Қуйидаги мисол доирасида мазкур масалани янада аниқроқ таҳлил қилиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшлар келажагимиз” давлат дастури тўғрисидаги 2018 йил 27 июндаги ПФ-5466-сонли Фармонига мувофиқ, Э.Д.нинг аризасига

асосан Когон туман ҳокимининг 2019 йил 28 декабрдаги 5167-сонли қарорига биноан Э.Д.га Когон тумани “Ўба-Чўли” МФЙ ҳудудидаги туман ҳокими захира ер фондида бўлган, 3756-контур қисмидан “Автомобилларга сиқилган газ қуйиш компрессор станцияси” қуриш учун 0,50 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони ажратиб берилган (Амалдаги қонунчиликда туман ҳокимининг бундай ваколати мавжуд эмас. Мазкур низо юзага келган вақтда туман ҳокимида шундай ваколат мавжуд эди.).

Бухоро вилоят прокуратурасининг 2021 йил 10 июлдаги 10.2-11/21- сонли хати билан Когон туман ҳокимининг 2019 йил 28 декабрдаги 5167-сонли қарорини бекор қилиш сўралган. Когон туман ҳокимининг 2021 йил 30 июль кундаги 14-2-36-Q/21- сонли қарорига асосан туман ҳокимининг 2019 йил 28 декабрдаги 5167-сонли қарори бекор қилинган. Когон туман ҳокимининг 2019 йил 28 декабрдаги 5167-сонли қарорининг бекор қилинишига, Бухоро вилоят прокуратурасининг 2021 йил 10 июлдаги, ер участкаларини доимий фойдаланишга бериш “E-IJRO AUKSION” ягона электрон савдо майдончасида электрон аукцион орқали амалга оширилиши белгиланган бўлиб, Э.Д.га Президентнинг “Ёшлар келажагимиз” давлат дастури талабларига зид равишда “Автомобилларга сиқилган газ қуйиш компрессор станцияси” қуриш учун ер майдони тўғридан-тўғри ажратиб берилганлиги юзасидан киритилган протест асос бўлган. Бухоро вилоят Қурилиш Бош бошқармаси ҳузуридаги Архитектурашаҳарсозлик кенгашининг 2021 йил 30 июлдаги 32-йиғилиш баённомасига асосан Когон тумани “Ўба-Чўли” МФЙ ҳудудидаги 3756-контур қисмидан “Автомобилларга сиқилган газ қуйиш шаҳобчаси” бинолари қурилиши учун танланган ер майдонининг жойлашуви келишилган.

Бундан ташқари, Э.Д. томонидан унга ер майдони ажратилганидан сўнг, вилоят ҳокимлигининг топшириғига асосан 2020 йил 16 июлда “Бухорои Шариф” жамғармасига 100.000.000 сўм ҳомийлик пули сифатида тўлаб берганлигини маълум қилиб, 2020 йил 16 июль кундаги 14-сонли қвитанция нусхасини судга тақдим қилди. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 12-моддасига биноан, давлат органининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳамда фуқаронинг ёки юридик шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжати суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги 1993 йил 2 сентябрдаги қонунининг 3-моддасига биноан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу Қонун ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Ушбу қонуннинг “Ҳокимнинг ваколатлари” деб номланувчи 25-моддасида, вилоят, туман ва шаҳар ҳокими қуйи турувчи ҳокимларнинг қарорларини, башарти улар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, қонунларига ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатларига, шунингдек юқори турувчи халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимнинг қарорларига зид бўлса, бекор қилади ва халқ депутатлари Кенгашига қуйи турувчи халқ депутатлари Кенгашларининг ҳужжатларини бекор қилиш тўғрисида тақдимнома киритиши кайд этилган.

Шунингдек, ушбу қонуннинг 29-моддасига кўра, ҳокимнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг ҳужжатларига зид, прокурор протест билдирган қарорлари шу ҳокимнинг ўзи томонидан ёки юқори турувчи ҳоким ёнки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, заруратига қараб эса Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қайта кўриб чиқилади. Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонунининг 1-моддасига кўра, ушбу Қонуннинг мақсади маъмурий тартиб-таомилларни амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари маъмурий органлар билан муносабатларда қонун устуворлигини, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашдан иборатдир. Ушбу қонуннинг “Маъмурий ҳужжатни бекор қилиш, ўзгартириш ёки ҳақиқий эмас деб топиш” деб

номланувчи 59-моддасида, маъмурий ҳужжат манфаатдор шахснинг аризаси ёки маъмурий шикоятига кўра маъмурий ҳужжатни қабул қилган маъмурий орган, юқори турувчи маъмурий орган томонидан, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа органлар томонидан ҳам бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкинлиги, маъмурий ҳужжатни бекор қилиш ёки ўзгартириш зарурияти қонун ҳужжатларидаги ўзгартишлар, жамоат манфаатларига бўлган таҳдиднинг олдини олиш, маъмурий ҳужжатнинг қонун ҳужжатларига номувофиклиги аниқланганлиги сабабли юзага келган ҳолларда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда маъмурий орган ўзи қабул қилган маъмурий ҳужжатни ўз ташаббусига кўра бекор қилишга ёки ўзгартиришга ҳақли эканлиги таъкидланган бўлса-да, бироқ шу Қонуннинг 60-моддасининг 2-қисмида, маъмурий ҳужжатни манфаатдор шахс манфаатларига зид равишда бекор қилиш, агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, уни мажлисда қайта кўриб чиқиш орқали амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Бироқ, жавобгар Когон туман ҳокимлиги томонидан қарор мажлисда қайта кўриб чиқиш орқали қабул қилинганлиги қайд этилмаган. Когон туман ҳокимининг 2021 йил 30 июль кунидаги 14-2-36-Q/21-сонли қарорига асосан туман ҳокимининг 2019 йил 28 декабрдаги 5167-сонли қарорини бекор қилиш жараёнида Э.Д. туман ҳокимлигига чақирилмасдан, унинг мажлисда иштирокини таъминлаш чоралари кўрилмаган ва унга иш ҳолати юзасидан ўз фикрини билдириш имконияти яратилмаган бўлиб, натижада ҳокимият томонидан “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонунининг 9 ва 16-моддалари талаблари қўпол равишда бузилган. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 15-моддасида давлат органи ёки фуқаронинг ўзини-ўзи бошқариш органи томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳужжат қабул қилиниши, шунингдек, улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарарнинг ўрни давлат томонидан ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи томонидан қопланиши лозимлиги кўрсатилган.

Шунингдек, “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонунининг 59-моддасида мулкӣ зарар ўрнини қоплаш масаласи ҳал қилиниши назарда тутилган бўлса-да, Когон туман ҳокимининг 2021 йил 30 июлдаги 14-2-36-Q/21-сонли қарори билан туман ҳокимининг 2019 йил 28 декабрдаги 5167-сонли қарорини бекор қилиш жараёнида Э.Д.нинг қарор чиқарилиб, ер майдони ажратилганидан сўнг ҳомийлик сифатида жамғармага тўлаган пул маблағлари юзасидан сарф харажатларини қоплаш масаласи очиқ қолган. Гарчанд, туман ҳокимлиги вилоят прокуратурасининг протестини Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунига мувофиқ кўриб чиққан бўлса-да, ушбу қонунда қарорни прокурорнинг протестига асосан кўриб чиқилиши назарда тутилган, бироқ айнан қайдай тартибда кўриб чиқилиши, яъни протестни кўриб чиқиш тартиб-таомили кўрсатилмаган. Ваҳоланки, маъмурий органлар билан муносабатларда қонун устуворлигини, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда маъмурий тартиб-таомилларни амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонуни билан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонунинг 38-моддасига биноан, қонунга зид бўлган ҳужжатга нисбатан протестни прокурор ана шу ҳужжатни қабул қилган органга ёки юқори турувчи органга келтиради. Мансабдор шахснинг ноқонуний қарорига нисбатан ҳам худди шундай тартибда протест келтирилади. Яъни гарчанд “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонунининг 59-моддасида, маъмурий ҳужжат манфаатдор шахснинг аризаси ёки маъмурий шикоятига кўра маъмурий ҳужжатни қабул қилган маъмурий орган, юқори турувчи маъмурий орган томонидан, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа органлар томонидан ҳам бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкинлиги қайд этилиб, “протест” жумласи қонунда акс эттирилмаган бўлса-да, бу ҳолат ҳокимликлар томонидан прокурор протестларини “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонуни талабларига биноан кўриб чиқиш мумкин эмаслигини англатмайди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 августдаги “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари

тўғрисида”ги 5495-сонли Фармонининг 1-банди 3-хатбошисида, давлат органи (мансабдор шахс)нинг маъмурий ҳужжати бекор қилиш ёки ўзгартириш масаласи, агар у инсофли инвестор ва тадбиркорлик субъектининг қонуний манфаатларига дахлдор бўлса, суд тартибида кўриб чиқилиши белгиланган (унинг сақлаб қолиниши жамоат манфаатларига таҳдид солаётган ҳоллар бундан мустасно).

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 189-моддасининг 2-қисмига мувофиқ суд, маъмурий органнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг, мансабдор шахсларнинг қарори ёки унинг айрим қисимлари ёхуд ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) қонун ҳужжатларига зид эканлигини ҳамда аризагининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузаётганлигини аниқласа, қарорни ёки унинг айрим қисмларини ҳақиқий эмас, ёхуд ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) қонунга хилоф деб топиши мумкин.

Юқоридагиларга асосан иш ҳолатлари ва қонун талабларидан келиб чиқиб, Когон туман ҳокимининг 2021 йил 30 июль кунидаги 14-2-36-Q/21-сонли қарори қонун талабларига зид равишда чиқарилганлигини инобатга олиб, суд аризагининг аризасини қаноатлантириб, Когон туман ҳокимининг 2021 йил 30 июль кунидаги 14-2-36-Q/21-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топишни ҳамда жавобгар Когон туман ҳокимлиги зиммасига Бухоро вилоят прокуратурасининг 2021 йил 10 июлдаги 10.2- 11/21-сонли Когон туман ҳокимининг 2019 йил 28 декабрь кунидаги 5167- сонли қарорини бекор қилиш ҳақидаги протестини қайта қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқиш ва ҳал қилув қарорининг ижроси тўғрисида судга ва аризагига суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан бир ой ичида хабар қилиш мажбуриятини юклашни лозим деб топган.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, тингланиш имкониятининг мавжудлиги принципи маъмурий ҳужжатларни қабул қилиш жараёнида жуда муҳим аҳамият касб этади. Бунга асосий иккита сабабни келтиришимиз мумкин. Биринчидан, тинглаш орқали маъмурий ҳужжатларни қабул қилиш учун муҳим далиллар ва фактларга эга бўлиниши мумкин. Иккинчидан, тингланиш имкониятининг мавжудлиги принципи адолатли қарор чиқариш учун асосий элементлардан бири.[3] Бу икки сабаблар ўзаро боғлиқ ва амалиётда тингланиш имкониятининг мавжудлиги принципи бу икки сабабга асосланган.

Тингланиш имкониятининг мавжудлиги принципи тинглашнинг уч категориясига бўлинади:

1. Расмий оғзаки тингланиш. Ушбу тингланиш тури кўпинча гувоҳларнинг талаблари ва сўровларида қўлланилади.

2. Норасмий оғзаки тингланиш. Ушбу тингланиш тури процессуал тартибларга амал қилмаслиги билан ажралиб туради. Орган қарор қабул қилиш жараёнида ўзининг ихтиёрийлигидан фойдаланади.

3. Ёзма гувоҳлик бериш. Ёзма тартибда гувоҳлик беришни ҳам тингланиш деб номлашимиз мумкин. Бу ғалати туйилиши мумкин, аммо бу ҳам тингланишнинг бир тури. Бу тур томонларнинг ўз кўрсатма ва далилларини тақдим этиш имконини берувчи тингланиш.[4]

Умуман олганда, тингланиш имкониятининг мавжудлиги принципининг қўлланишидан асосий мақсад шаффофлик ва очиқликни присипини таъминлаш имкониятини янада орттиришдир.

Учинчидан, ҳокимлар томонидан низоли ҳуқуқий муносабат юзага келган даврда амалда бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан эмас, балки янги қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан хатти-ҳаракатларни амалга оширилиш ҳолатлари кўп учрайди.[5]

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 майдаги “Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш тартиби тўғрисида низоли тасдиқлаш ҳақида”ги 97-сонли қарор кучда бўлган даврда давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун фуқаро Ф.О.га қарашли ер майдони олиб қўйилган ва бу низо бугунги кунга қадар давом этиб келаётган бўлиб, ушбу низоли 2019 йил 16 ноябрда қабул қилинган “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш ҳамда ер участкаларини олиб қўйиш

ва компенсация бериш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 911-сонли қарори[11] асосида ҳал этилади.[6]

Ҳокимликлар томонидан қонуннинг оғирлаштирувчи томонга орқага қайтиш кучига эга эмаслиги, низоли ҳуқуқий муносабат юзага келган даврда амалда бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида низо ҳал этилиши лозимлиги ҳақидаги қоидаларга амал қилинмайди.

Тўртинчидан, ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқини ёки ер участкасидан доимий ёхуд вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини тугатиш ердан фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи органларнинг расмий огоҳлантирганидан кейин тақдимномасига кўра амалга оширилиши лозим бўлсада, ушбу талабга амал қилинмаган. Мисол учун, яна бир туманда “Т” МЧЖни тегишли тарзда хабардор қилинмаган ҳолда 775-сонли қарор қабул қилиниши натижасида “Т” МЧЖнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бузилган деб топилиб, ҳоким қарори ҳақиқий эмас деб топилган.[7]

Бешинчидан, ер участкасини бир вақтнинг ўзида икки ёки ундан ортиқ шахсга бериб юбориш ҳолатлари кузатилмоқда. Масалан, яна бир туман ҳокимининг 2021 йил 5 май кунги 224-сонли қарорига асосан “А” кўчаси ҳудудидан фуқаро С.Х.га кўп қаватли турар-жой биноси куриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан 800.0 кв.м ер майдони ажратиб берилган. Аввалроқ мазкур ер майдони шаҳар ҳокимининг 2014 йил 5 декабрь кунги 720-сонли қарорига асосан 6-сонли давлат умумтаълим мактабига фойдаланишга топширилган. Туман ҳокимининг 2021 йил 5 майдаги 224-сонли қарори қабул қилинишида Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси талабларига риоя этилмаган.[8]

Ўзбекистон Республикаси снинг 23-моддасида эгаликдаги, фойдаланишдаги, ижарадаги ва мулк қилиб берилган ер участкасини бериш (реализация қилиш) ушбу Кодексда белгиланган тартибда фақат шу ер участкаси белгиланган тартибда олиб қўйилганидан (сотиб олинганидан) ва давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин амалга оширилади, деб белгиланган.[9]

Олтинчидан, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонунининг 12-моддаси 7-қисмида ер участкасини ижарага олиш шартномаси тарафларнинг келишувига биноан, тарафлар келишувга эришмаганлари тақдирда эса суд томонидан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкинлиги белгиланган.[10] “Ч” фермер хўжалигига ажратилган 30 га ер майдони туман ҳокимининг 2020 йил 13 июлдаги 47-сонли қарори билан ер ижарага бериш шартномаси бир тарафлама бекор қилиниб, бошқа фермер хўжалигига қўшиб берилган. Мазкур қарор устидан фермер хўжалиги маъмурий судга мурожаат қилиб, қарорни ҳақиқий эмас деб топишни сўраган ва суд томонидан қаноатлантирилган.

Таъкидлаш лозимки, амалдаги “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонунининг мақсади маъмурий тартиб-таомилларни амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлиб, асосий вазифалари хусусий шахсларнинг маъмурий органлар билан муносабатларда қонун устуворлигини, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашдан иборат ҳамда давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ бошқа тартиб-таомилларга, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа маъмурий-ҳуқуқий фаолиятга нисбатан татбиқ этилади. [11]

Бироқ юқорида баён этилган мисолларда ҳокимлар томонидан қарорлар қабул қилишда “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонун билан белгилаб қўйилган маъмурий-ҳуқуқий фаолиятини тартибга солувчи процессуал қоидалар талабларига ҳар доим ҳам риоя қилинмаслик ҳолатларни кўрсатмоқда.

Хулоса

Юқоридаги хулоса қилсак таҳлиллардан кўринишича, ҳокимлар томонидан қарор қабул қилишда Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги, “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунлар ва бошқа қонуности ҳужжатларига тўла риоя этилмаслиги ёки

уларнинг нотўғри татбиқ этилиши қабул қилинган қарорларнинг кейинчалик бекор бўлишига ёки ҳақиқий эмас деб топилишига сабаб бўлмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, маҳаллий ижро ҳокимияти раҳбари ўз ваколатларини норматив ва маъмурий ҳужжат қабул қилиш орқали амалга оширади. Бу эса, ҳоким қарорларининг сифатли, ҳар томонлама пишиқ, пухта тайёрланишини талаб этади. Таъбир жоиз бўлса, “ҳокимнинг қарори – ҳокимнинг обрўси”дир. Зеро, ҳокимнинг энг асосий вазифаси Давлат раҳбарининг сўзлари билан айтганда “халқни рози қилиш, бугунги ва эртанги кунига бўлган ишончни оширишдир”, десак айни ҳақиқатдир.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Sardorbek Y. Analysis of problems in the process of parliamentary consideration of budget execution reports in Uzbekistan. Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities, Legal sciences, 2021, vol. 1, no. 1.4. Available at: <https://berlinstudies.de/index.php/berlinstudies/article/view/189/>
2. Е.Порохов Административный акт как юридический факт, форма правоприменения и способ индивидуально-правового регулирования. // (E.Porokhov Administrative act as a legal fact, a form of law enforcement and a method of individual legal regulation). // Yearbook of Public Law 2016: - Administrative act. – Moscow: Infotropik media, 2015. - p. 403.
3. Е.Порохов Административный акт как юридический факт, форма правоприменения и способ индивидуально-правового регулирования. // [E.Porokhov Administrative act as a legal fact, a form of law enforcement and a method of individual legal regulation]. // Yearbook of Public Law 2016: - Administrative act. – Moscow: Infotropik media, 2015. - p. 403
4. Juraev S. Protection of the right of human environmentally safe living. Proceedings of the International Scientific and Current Research Conferences, 2021, April, pp. 153–157. Available at: <https://orientalpublication.com/index.php/iscrc/article/view/518/>.
5. Sardorbek Y. Analysis of problems in the process of parliamentary consideration of budget execution reports in Uzbekistan. Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities, Legal sciences, 2021, vol. 1, no. 1.4. Available at: <https://berlinstudies.de/index.php/berlinstudies/article/view/189/>
6. Saidazimov y. Teoreticheskiy i pravovoy analiz administrativnykh dokumentov [Theoretical and legal analysis of administrative documents]. Review of Law Sciences, 2020, no. 3, spec. iss., pp. 19–24. DOI: 10.24412/2181-919X-2020-3-19-24/.
7. Akhrorov A. Environmental control of public administration bodies in the Republic of Uzbekistan. Proceedings of the International Scientific and Current Research Conferences, 2021, no. 1 (1), pp. 175–179. Available at: <https://orientalpublication.com/index.php/iscrc/article/view/522/>.
8. Goziev K. Democratization of state power and governance is an important condition for the principle of separation of powers. Proceedings of the International Scientific and Current Research Conferences, 2021, November, pp. 124–132. Available at: <https://www.orientalpublication.com/index.php/iscrc/article/view/166/>.
9. Rajabova K. Stages of legislation development regarding court review of disputes regarding the actions (decisions) of election commissions. Eurasian Journal of Academic Research, 2022, no. 2 (12), pp. 1371–1378. Available at: <https://www.in-academy.uz/index.php/ejar/article/view/6765/>.
10. Library of Congress (2020), Continuity of Legislative Activities during Emergency Situations, <https://www.loc.gov/law/help/emergency-legislative-activities/index.php>.
11. Huquqchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 09.06.2021 y., 06/21/6243/0540-son, 28.08.2021 y., 09/21/543/0830-son, 22.09.2021 y., 21/09 y. /0896-son, 10.01.2022 y



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

9 ЖИЛД, 5 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 9, НОМЕР 5

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 9, ISSUE 5

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000